

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАБАЕВ АКМАЛ НОРМУМИНОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ
АСРАШ, САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА БОШҚАРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Турабаев Акмал Нормуминович

Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни асраш, самарали
фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этишнинг экологик
асослари..... 3

Турабаев Акмал Нормуминович

Экологические основы рационального пользования, сохранения и
организация управления биологическими ресурсами в условиях
глобализации..... 27

Turabaev Akmal Normominovich

Ecological bases of rational use, conservation and organization of biological
resources management in the context of globalization..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАБАЕВ АКМАЛ НОРМУМИНОВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ
АСРАШ, САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА БОШҚАРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4DSc/B22 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Хўжамшукуров Нортожи Абдихолиқович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бўриев Сулаймон**
биология фанлари доктори, профессор;

Уразбаев Исматулла Уматович
биология фанлари доктори, доцент.

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
биология фанлари доктори, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ. Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси б.ф.д., профессор

Н.Ю. Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М. Тошқўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида глобаллашув шароитида биологик (генетик) ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш ва самарали бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. XXI аср бошларида барча биологик организмларнинг 2 миллионга яқин тури, жумладан, ҳайвонот оламининг тахминан 1,4 миллион тури (шу жумладан 1 миллион ҳашарот), юксак ўсимликларнинг 290 минг тури (шу жумладан ёпиқ уруғли ўсимликлар-255 минг), замбуруғларнинг 120 минг тури, сув ўтларининг 40 минг тури, протестларнинг 40 минг тури, лишайникларнинг 20 минг тури, бактерияларнинг 5 минг тури қайд этилган¹. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бундай биологик (генетик) ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш ва самарали бошқариш учун уларни тўплаш, жаҳон ген банкларини ташкил этиш, биохилма-хиллик ва агробιοхилма-хилликни сақлаш ва унинг самарали бошқарувини ташкил этиш йўллари тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида барқарор экологик ривожланишни таъминлаш мақсадида биохилма-хиллик ва агробιοхилма-хилликни сақлаш, ундан оқилона фойдаланиш ва самарали бошқарувини ташкил этиш борасида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада етакчилик қилиб келаётган хорижий давлатларда биологик ресурслар тўпланадиган ва уларнинг сақланиши таъминланган ген банклар ташкил этилган. Қатор давлатларда биологик ва педосфера хилма-хиллигини асраш, улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш ва тупроқ қатлами унумдорлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотлар Германия, Франция, Россия, АҚШ ва Канада каби экологик мувозанат қийинлашган давлатларда ҳам сўнгги йилларда барқарор экологик ривожланишнинг долзарб муаммосига айланган.

Бугунги кунда республикамызда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни сақлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакат микёсида биохилма-хилликни барқарор сақлаш, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, хўжалик ва саноат чиқиндиларини тезкор тўплаш ва зарарсизлантириш, шунингдек тупроқ қатлами унумдорлигини оширишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, экологик вазият оғирлашган ҳудудларга тоза ичимлик суви ва табиий газ етказиб бериш, Орол денгизи талофатларини камайтириш, қишлоқ хўжалиги юритиладиган барча ҳудудларда тупроқ унумдорлигини ошириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикада чиқиндиларни мақсадли табақалаштирилган ҳолда утилизациясини шакллантириш, мамлакатда

¹<http://knowledge.su/b/biologicheskoe-raznoobrazie>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

биологик ва педосфера хилма-хиллигини асраш, ундан оқилона фойдаланиш ва энг муҳими, уларни самарали бошқариш йўлларини тадқиқ этиш ва таълим дастурларига интеграциялаш йўналиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 августдаги 273-сон «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитининг давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University (Англия), University of British Columbia (Канада), Rutgers University, Center for Environmental Research and Conservation (АҚШ), Institute of Ecology (Мексика), Centre for Plant Biodiversity Research, CSIRO Plant Industry (Австралия), Ben-Gurion University of the Negev (Исроил), Kyushu University (Япония), Ботаника институти, Зоология институти ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: биохилма-хиллик ва атроф-муҳит ўзгаришининг мекансал, темпорал ва иерархик омиллари аниқланган (Czech University of Life Sciences Prague, Czech Republic); агроэкотизимларда тупроқ эрозиясининг тезлашишига сабаб бўлувчи салбий таъсирлар турли омилларга боғланган ҳолда классификацияланган (Ohio State University, USA) бунда, асосий омиллардан бири сифатида CO₂, CH₄ ва N₂O белгиланган; табиий ҳайвонларнинг йиллик миграцияси жараёнларининг бузилиши ҳам табиий биохилма-хилликни сақлаш ва уни бошқариш имкониятларини чегаралаб қўйиши бўйича назария ишлаб чиқилган (University of Florida, USA), флора

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.cam.ac.uk>; <https://www.ubc.ca>; www.rutgers.edu; www.osu.edu; www.sussex.ac.uk; www.icrisat.org; in.bgu.ac.il; <https://www.czu.cz>; <https://www.osu.edu>; <http://www.ufl.edu>; www.zoology.uz; www.hyoka.ofc.kyushu-u.ac.jp; www.soil.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ва фауна биохилма-хиллигини сақлаб қолиш, биологик ресурсларни сақлаш ва улардан барқарор фойдаланишнинг замонавий ҳолатини баҳолаш услублари такомиллаштирилган (International Plant Genetic Resources Institute, Regional Office for Asia, Pacific and Oceania).

Дунёда глобал шароит биологик ресурсларни асраш, улардан самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: саноат корхоналарида чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш; хўжалик чиқиндиларини мақсадли табақалаштирилган ҳолда утилизация қилиш; флора ва фауна биохилма-хиллигини асраш ва улардан самарали фойдаланиш; тупроқ унумдорлигини ошириш ва уни эрозиянинг турли кўринишларидан ҳимоялаш; экологик таълимга биохилма-хиллик ва агробιοхилма-хилликни интеграциялаш ҳамда уни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда биохилма-хилликни асраш, самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этиш, барқарор экологик тараққиёт, педосфера унумдорлигини ошириш, генетик ресурсларни сақлаш ва оқилона фойдаланиш бўйича Л.Турсунов, Д.Таирбаева, Н.Шивалдова, А.Эргашев, Г.Джалилова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, Т.У.Рахимова ва шогирдлари томонидан Ўзбекистон шароитида чўл ва чўлолди ҳудудларидаги қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар флораси ва уларнинг экологияси ўрганилиб, табиий ўсимлик ресурсларидан чўлланишга қарши самарали фойдаланишнинг биоэкологик тизимлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бироқ таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда биохилма-хиллик ва агробιοхилма-хилликни асраш ва самарали фойдаланиш, генетик ресурсларни тўплаш, ҳимоялаш ва улардан оқилона фойдаланиш, хўжалик ва саноат чиқиндиларини камайтириш, зарарсизлантириш ва мақсадли утилизация қилиш тупроқ қатлами унумдорлигини ошириш ва барқарор сақлаб туриш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг А-7-069 «Тоғ тупроқларини генезиси, эволюцияси, мониторингини ва уларни баҳолаш ва ҳимоялаш асослари» (2006-2010 йй.) мавзусидаги амалий ҳамда «In situ/on farm сохранение и использование агробιοразнообразия (плодовые культуры и дикие плодовые виды) в Центральной Азии» (2010-2016 йй.) мавзусидаги халқаро лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида биологик (генетик, педосфера) ресурсларнинг бугунги ҳолати ва унга таъсир кўрсатувчи экологик омилларни баҳолаш, уларнинг хилма-хиллигини асраш, самарали фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биологик ресурсларнинг табиий ҳолатига экологик омиллар таъсирининг қиёсий таҳлили ҳамда биохилма-хиллик, биологик ресурсларнинг сақланиши, атроф-муҳит муҳофазасига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни белгилаш;

Қашқадарё вилояти мисолида ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишлари ва биологик ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқиш;

турли хил иқлим шароитларида (Чотқол, Нурота, Қашқадарё вилоятининг тоғ олди ҳамда чўл ҳудудлари) педосфера хилма-хиллигини шакллантирувчи табиий экологик омилларни таҳлил қилиш;

Қашқадарё вилоятининг экологик шарт-шароитлари билан қиёслаш орқали Чотқол ва Нурота тоғ олди тизмаларидаги тупроқ унумдорлигини чегараловчи ва уларнинг вужудга келиш омилларини ўрганиш;

Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ҳамда Чотқол ва Нурота кўриқхоналари педосфера хилма-хиллигининг шаклланишига ўсимликлар қопламанинг таъсирини аниқлаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш ва ундан оқилона фойдаланишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича мавжуд тажрибаларни тизимли таҳлил қилиш асосида республикамизда биохилма-хилликни сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир асосий принципларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг биологик ресурслари, Чотқол ва Нурота биосферасининг экологик шароити, био ва агробιοхилма-хиллиги, педосфера ҳосил бўлишида иштирок этувчи экологик омиллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети биохилма-хилликни ташкил этувчи ўсимликлар ва ҳайвонот олами, тупроқ қоплами, агробιοхилма-хилликни бошқариш тизимлари ва мониторинги, экологик антропоген омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қашқадарё экологик ҳудуди, Чотқол ва Нурота кўриқхоналарининг биологик ресурсларини тадқиқ қилиш умумқабул қилинган экологик услублар, биологик хилма-хилликнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, асраш, самарали фойдаланиш ва бошқариш тизимини таҳлил қилиш Д.Джарвис, К.Пэддок ва Х.Купер каби олимлар тавсия этган услубда амалга оширилган. Тупроқ профилининг шаклланишидаги ролини геокимёвий чизиклар бўйича жойлаштириш услуги, педосферанинг хоссаларини лаборатория шароитида тадқиқ қилишда Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти услуги ҳамда Л.Турсуновнинг «Тупроқ физикаси» дарслигида баён қилинган усуллардан фойдаланилган. Тажриба натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.Доспехов услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти мисолида биологик ресурсларнинг табиий ҳолатига экологик омиллар таъсири таҳлил қилинган ҳамда токсик ва нотоксик чиқиндилар алоҳида ҳисобга олинмаганлиги асосланган;

Қашқадарё вилояти ҳудудларида салбий ҳамда хавфли жараёнлар пайдо бўлишининг табиий омиллари ҳамда техноген аралашувлар даражаси ўртасидаги нисбат асосланган;

Қашқадарё вилоятида ер усти ва ер ости сувлари (Дехқонобод, Китоб, Миришкор, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари ва Шаҳрисабз ш.), ҳамда атмосфера ҳавоси (Қарши шаҳри ва Муборак тумани) ифлосланишининг юқори даражаси, суғориладиган ерларнинг тез суръатларда шўрланиши (Қарши ва Косон туманлари) ҳамда истеъмол суви сифатининг стандарт талабларидан пастлиги (Касби тумани) аниқланган;

Қашқадарё вилояти экоҳудудларини районлаштириш ва янги экотизимларни белгилаш нуқтаи назаридан 4 та минтақага ажратиш тавсия этилган, биохилма-хиллик ресурсларидан фойдаланиш мониторингини самарали тизими асосланган.

турли хил иқлим шароитларида жойлашган Чотқол, Нурота ва Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида педосфера хилма-хиллигининг шаклланишига ўсимликлар қопламанинг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ҳудудлари «таъсир-муҳит-оқибат» схемаси бўйича экологик ва иқтисодий омиллар эътиборга олиниб, замонавий экологик ҳолатини баҳолаш, юзага келган экологик муаммолар, уларнинг моҳияти аниқланиб, ҳудуднинг табиий хусусиятлари ҳамда ландшафтларга тушадиган антропоген оғирлик ўртасидаги муайян боғлиқлиги аниқланган;

Қашқадарё вилояти ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишлари ва биологик ресурслардан фойдаланиш оптималлаштирилиб, Ўзбекистон генетик ресурслари коллекцияси тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқилган, унинг ex-situ миллий коллекцияларини, шунингдек биоресурслардан фойдаланиш механизми ва тартиблари аниқланган;

ҳудудларда биохилма-хиллик ва генетик ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллар илмий асосланиб, ҳудудда биохилма-хилликни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқот натижаларини ўз ичига олувчи маҳаллий ва халқаро фундаментал, амалий лойиҳаларнинг илмий кенгаш томонидан тан олинганлиги, диссертация ишининг амалий натижалари тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биологик ресурсларнинг замонавий ҳолати

ва уларни шакллантирувчи экологик омиллар аниқланганлиги, биологик ресурсларни мониторинг қилишнинг самарали тизими ишлаб чиқилганлиги, «педосфера – экологик омиллар» тизимининг тўхтовсиз ва узлуксиз ривожланиш ва ўзаро алоқадорлик қонунияти очиб берилганлиги тупроқ қатлами унумдорлигини ошириш, унинг биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилояти ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишлари ва биологик ресурслардан фойдаланиш оптималлаштирилиб, педосфера хилма-хиллиги, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ундан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш маҳсулдорлигининг ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни асраш, самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этишнинг экологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тупроқ қатлами унумдорлигини ошириш, унинг биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш» бўйича тавсиянома Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 02/020-165-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсия фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва биологик хилма-хилликни сақлаш имконини берган;

«Ўзбекистонда биологик (генетик) ресурслар коллекциясини ўрганиш, сақлаш ва самарали фойдаланиш тўғрисида»ги йўриқнома Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 ноябрдаги 01/12-02-8-1744/1-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу йўриқнома генетик ресурслар коллекцияларини сақлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш имконини берган;

Қашқадарё вилояти мисолида ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишлари ва биологик ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилган ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 ноябрдаги 01/12-02-8-1744/1-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу дастур вилоятда ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишларини белгилаш, педосферанинг хилма-хиллиги ва ундан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш ва маҳсулдорлигини ошириш имкониятини берган;

Қашқадарё вилояти шароитида биологик ресурсларни мониторинг қилиш ва биохилма-хиллик ресурсларидан фойдаланишнинг самарали тизими Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 ноябрь 01/12-02-8-1744/1-сонли маълумотномаси). Натижада вилоятда биологик ресурсларни мониторинг

қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича амалдаги тизимни такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 1 та монография, 10 та Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни ўрганишга назарий ёндашув, уларни асрашнинг замонавий тенденциялари ва тамойиллари**» деб номланган биринчи бобида биохилма-хиллик тушунчаси ва унинг турлари, агробιοхилма-хиллик биохилма-хилликнинг стратегик таркибий қисми, биологик ресурсларни алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда баҳолаш, биологик ресурсларнинг (педосфера) шаклланишида ва хилма-хиллигини сақлашда экологик омилларнинг роли, экологик ҳудуд–биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш бирлиги сифатида, улардан фойдаланиш шароитлари ва истиқболлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биологик ресурсларни асраш, улардан самарали фойдаланиш ва тажриба синовларини ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё экологик ҳудуди, Чотқол ва Нурота қўриқхоналарининг биологик ресурсларини тадқиқ қилиш умумқабул қилинган экологик услублар, биологик хилма-хилликнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, асраш, самарали фойдаланиш ва бошқариш тизимин таҳлил қилиш, тупроқ профилининг шаклланишидаги родини геохимёвий чизиқлар бўйича жойлаштириш услуби, педосферанинг хоссаларини лаборатория шароитида тадқиқ усуллари батафсил баён этилган.


Диссертациянинг «**Қашқадарё вилояти биологик ресурсларининг**

замонавий ҳолати ва уларни белгиловчи экологик омиллар» деб номланган учинчи бобида Қашқадарё вилояти мисолида биологик ресурсларнинг табиий ҳолатига экологик омиллар таъсири таҳлил қилинган. Жумладан, вилоятнинг биоэкологик ресурслари ва уларнинг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, давлат статистика ҳисоботларида токсик ва нотоксик чиқиндилар алоҳида ҳисобга олинмаганлиги кўрсатиб берилган.

Шунингдек, вилоятда стационар манбалардан атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар ва уларни тозалаш ҳамда утилизация қилиш ҳолати таҳлил қилинган (1 ва 2-расмлар).



1-расм. Қашқадарё вилоятида стационар манбалардан атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар, уларни тозалаш ва утилизация қилиш (2014-2016 йиллар, минг тонна ҳисобида)



2-расм. Қашқадарё вилоятида стационар манбалардан атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар (2014-2016 йиллар, минг тонна ҳисобида)

Таҳлиллар натижасида, ифлослантирувчи моддаларнинг ҳар-хил шакллари орасида ҳам ўзаро фарқлар мавжудлиги аниқланган. Жумладан, сульфат ангидрид моддаси ўртача 3 йилда 95,3 минг тоннани ташкил этган бўлса, углерод оксиди 24,7 минг тоннани, азот диоксиди 2,0 тоннани, углеводородлар 36,7 тоннани, бошқа газсимон ва суюқ моддалар 0,3 тоннани ташкил қилган. Шу боисдан, ҳали вилоятда атмосферага чиқарилган моддаларни турларини ва миқдорини камайтириш борасида қатор амалий тадбирлар: санитария қоидаларига риоя қилиш, жиҳозларни модернизация қилиш, таъмирлаш, энг муҳими экологик маданиятни кучайтириш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатиб берилган.

Шунингдек, хавфли табиий жараёнларни ва экологик вазиятни юзага келишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, экотизимларнинг атропоген ўзгаришининг узоқ муддатли оқибатлари ва инсон фаолиятининг тадрижий ривожланиш жараёнига таъсири тўғрисидаги масала етарлича ўрганилмаётганлиги қайд этилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида табиий биохилма-хиллик ва табиий ҳамжамиятга антропоген таъсир деярли янги таъсир кўрсатмасдан, балки асосан биотик ҳамжамиятларга (экотизимлар, биоценозлар, фитоценозлар ва бошқалар) ва уларнинг кўламига раҳна солаётганлиги аниқланган. Маълумки, жамият тараққиётнинг бугунги босқичида глобал миқёсда экологик хавфсизликка маҳаллий,

минтақавий ва глобал кўринишларга бўлинади⁴. Тадқиқотлар натижасида биохилма-хиллик, биологик ресурсларнинг сақланиши, атроф-муҳит муҳофазасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг асосийларини белгилаб олиш ва бу борада олиб бориладиган амалий тадбирларнинг истиқболли, манзилли дастур ва режаларни тузиш лозимлиги таъкид этилган. Мавжуд вазиятни таҳлил қилган ҳолда, вилоятда хавфли табиий жараёнлар пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича бўлади деган назария илгари сурилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида хавфли табиий жараёнлар пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари

| Генезис | Антропоген таъсир | Ландшафтлар хусусияти | Пайдо бўлиш жойи |
|---------------------------------|--|--|---|
| Табиий омиллар | Об-ҳаво ва иқлимнинг аста-секин ўзгаришига олиб келадиган айрим иқлим ўзгаришларига табиий антропоген таъсир | Табиий муҳит | Субнивал, баланд тоғлар ва суббаланд тоғ минтақалари |
| Табиий омиллар | Антропоген таъсир чекланган | Қайта тиклашга ёрдам берадиган табиий жараёнлар антропоген таъсирни буткул бартараф этади | Қарағай ва қайин дарахти ўрмонлари, катта баргли дарахтлар, ўрмонлари, тоғ-дашт минтақалари |
| Маҳаллий экзоген табиий омиллар | Антропоген таъсир маҳаллий ёки аниқ хусусиятга эга | Антропоген таъсир табиий-қайта тиклаш имкониятларидан кучлироқ | Тошқинлар пайдо бўладиган жойлар |
| Хавфли табиий жараёнлар | Меъёрдан ортик антропоген таъсир | Табиий шароитларни қайта тиклаб бўлмайди, фақат пассив ҳимоя чораларини кўриш мумкин | Сел ва кўчки бўлиш хавфи бор жойлар |
| Техноген | Меъёрдан ортик антропоген таъсир | Табиий шароитларни қайта тиклаб бўлмайди, хўжалик субъектларини ҳимоя қилиш қийинлашади ва бу катта маблағ талаб этади | Саноат ва хўжалик инфратузилмалари |

Шунингдек, вилоятда экологик аҳволни ва ҳудудларни хўжалик мақсадларида ўзлаштириш даражасини инобатга олган ҳолда, ҳудудларни табиий муҳитнинг ўзгариш даражасига қараб, экологик вазиятнинг кескинлик даражасини турли хил бўлган ҳудудларга ажратиш таъкид

⁴ Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати тўғрисида миллий маъруза (2002-2004 йиллар) -Тошкент, 2006 й. -131 б.

қилинган.

Мазкур ҳудудларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусияти, салбий ҳамда хавфли табиий жараёнлар пайдо бўлишининг табиий омиллари ва техноген аралашув даражаси ўртасидаги нисбат билан ифодаланган.

Мазкур тавсия асосида белгиланган тадбирларни илмий асослаш вилоятда биологик ресурслардан самарали фойдаланишни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни экологик хавфларни бартараф этишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бунда, Қашқадарёнинг экологик ҳудудига антропоген таъсири баҳолашда атроф-муҳитга антропоген таъсири, уларнинг физик хусусиятлари, келиб чиқиши, таъсир кўрсатиш давомийлиги ва бунинг оқибатида рўй берадиган ўзгаришлар барқарорлиги ҳамда бошқа омиллари бўйича таснифланишни инобатга олиш зарурлиги ҳамда биохилма-хилликнинг йўқолиш муаммоси барқарор ривожланиш концепцияси доирасида кўриб чиқилиши лозимлиги илгари сурилган (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Вилоят кесимидаги экологик минтақалар | Худуд, минг, /га | ш.ж. Суғориладиган ерлар | Яшайдиган аҳоли | | Маъмурий туманлар шаҳарлар номлари ва сони | |
|---------------------------------------|------------------|--------------------------|-----------------|------|---|------|
| | | | минг киши | % | Номлари | Сони |
| қулай экологик вазиятли | 2201216 | 399222 | 1587,5 | 80,4 | Дехқонобод, Китоб, Косон, Нишон, Миришкор, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Қарши, Ғузор, Қарши ш. | 11 |
| 1 - танг экологик вазиятли | 655583 | 116220 | 387,7 | 19,6 | Касби, Муборак, Чироқчи | 3 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | Аниқланмаган | | | | | |
| 3 - экологик офат | Кузатилмаган | | | | | |
| Жами Қашқадарё вилояти бўйича | 2856799 | 515442 | 1975,2 | 100 | | 14 |

Шунингдек, ўрнатилган тартибдаги индикаторга асосан вилоят ҳудуди мавжуд экологик вазиятнинг мураккаблиги даражасидан келиб чиқиб қуйидаги минтақаларга тақсимланган.

Бунда критик экологик вазиятли минтақага Касби, Муборак ва Чироқчи туманлари киритилган, бу ерда вилоят аҳолисининг деярли 20 фоизи қолган 80 фоизи қулай экологик вазиятли минтақада яшаши қайд этилган. Шунингдек, вилоят учун ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси (Дехқонобод, Китоб, Миришкор, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари ва Шаҳрисабз ш.), Қарши ш. ва Муборак туманида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг юқори даражаси, Қарши ва Косон туманларида суғориладиган ерларнинг тез суръатларда шўрланиши, Касби туманида

истеъмол суви сифатининг стандарт талабларига мувофиқ эмаслиги қайд этилган. Атроф-муҳит ифлосланиши локал (нуқтали) тусга эга бўлиб, одатда, ифлосланиш ареали ифлосланиш манбаларига яқин ерларда жойлашган ва ҳудудий жиҳатдан чегараланган. Шу боисдан, вилоятнинг Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва бошқа туман ва шаҳарларида энг қулай экологик вазият, Касби, Муборак, Чироқчи туманларида танг экологик вазият кузатилган. Шу боисдан, мазкур ҳудудни «таъсир-муҳит-оқибат» схемаси бўйича экологик ва иқтисодий омиллар эътиборга олиниб, комплекс равишда баҳолаш зарурлиги тавсия этилган.

Бу эса ўз навбатида мазкур ҳудуднинг замонавий экологик ҳолатини баҳолаш, юзага келган экологик муаммоларни, уларнинг моҳиятини аниқлаш, маҳаллийлаштириш қонунчилигини, ҳудуднинг табиий хусусиятлари ҳамда ландшафтларга макон ва замон нуқтаи назаридан тушадиган антропоген оғирлик ўртасидаги муайян боғлиқлигини аниқлашга ёрдам берадиган энг мақбул экологик ёндашувларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш имконини беради.

Таҳлиллар натижасида вилоят экоҳудудларини районлаштириш ва уларни қуйидаги минтақаларга ажратиш тавсия этилган:

экотизимларга табиий-антропоген оғирлик тушадиган минтақалар (Китоб, Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари баланд тоғ тизмалари – экотизимларга тушадиган табиий-антропоген оғирликнинг тахминий майдони 68069,5 га ёки экоҳудуд умумий майдонининг 8 фоизини ташкил қилади);

экотизимларга бошқариладиган табиий-антропоген оғирлик тушадиган минтақалар (Китоб, Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Яккабоғнинг суғориладиган текислик майдонлари киради. Уларнинг тахминий майдони 119121,7 га ёки экоҳудуд умумий майдонининг 14 фоизини ташкил қилади);

экотизимларга табиий-антропоген оғирлик тез таъсир кўрсатадиган минтақалар (Бу минтақа паст тоғли ва тоғ олди ҳудудларни қамраб олган. Унинг майдони 171408 га ёки вилоят умумий ер майдонининг 6 фоизини ташкил қилади);

экотизимлар ҳолати ёмонлашган минтақалар (Қарши шаҳри, Муборак, Шўртан. Ушбу минтақа 1514103 га ёки вилоят умумий ер майдонларининг 53 фоизини эгалланган).

Диссертациянинг «**Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш мониторинги**» деб номланган тўртинчи бобида амалдаги мониторинг тизими ва унинг сифатини баҳолаш меъзонлари таҳлил қилинган бўлиб, биологик ресурсларни муҳофаза қилишни бошқариш тизими қуйидаги даражаларга ажратилган: макродаража, мезодаража, микродаража, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш.

Илмий таҳлил асосида вилоят ҳудудидаги корхоналарнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишларида атроф-муҳит муҳофазасини мониторинг қилишни такомиллаштиришга доир илмий ишланмалар йўқлиги, шунингдек, экологик

- иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлиги;

корхоналарнинг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимида табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичлари йўқлиги;

атроф-муҳитга етказилган иқтисодий зарарни ҳисоблаш бўйича мавжуд услубларида атмосферага чиқарилган моддалар умумий ҳажми ҳисобга олинсада, зарарланиш манбаларига бевосита яқин бўлган жойлардаги зарарланиш даражаси инобатга олинмаслиги;

атроф-муҳит ҳолати эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бу борадаги фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланиши;

атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтиришга доир тадбирларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услуби қўлланмаслиги каби кўрсаткичлар салбий таъсир кўрсатиб келаётганлиги ўрганилган.

3-жадвал

**Чотқол тоғларининг турли рельеф шароитида ривожланган
туپроқларнинг агрокимёвий хоссалари**

| Чуқурлик, см | Гумус, % | Азот, % | Ялпи, % | | СО ₂ карбо- нат, % | Заҳира, т/га | | |
|---|-------------|------------|---------|-------|-------------------------------------|-------------------|-------|------|
| | | | Фосфор | Калий | | Чуқур- лик, см | Гумус | Азот |
| 1-АН. Шимолий қиялик. Кенг япроқли дарахтлар. Ўрта қумоқ, нишаблик 10-12°. | | | | | | | | |
| 0-6 | 6,23 | 0,39 | 0,16 | 1,15 | 2,03 | 0-50 | 242,7 | 15,1 |
| 6-26 | 4,01 | 0,26 | 0,19 | 2,20 | 3,60 | | | |
| 26-42 | 2,91 | 0,16 | 0,16 | 2,15 | 4,17 | | | |
| 42-60 | 1,15 | 0,09 | 0,15 | 2,00 | 5,25 | | | |
| 3-АН. Шимоли-ғарбий қиялик. Аралаш ўт-ўсимликлар, ўрта қумоқ, нишаблик 5-7°. | | | | | | | | |
| 0-7 | 4,17 | 0,32 | 0,17 | 2,20 | 3,73 | 0-50 | 179,7 | 13,5 |
| 7-20 | 3,01 | 0,22 | 0,17 | 2,15 | 5,44 | | | |
| 20-41 | 2,39 | 0,18 | 0,17 | 2,15 | 4,99 | | | |
| 41-59 | 1,09 | 0,08 | 0,17 | 2,05 | 5,29 | | | |
| 59-80 | 0,99 | 0,08 | 0,12 | 1,65 | 14,17 | | | |
| 5-АН. Шимоли-ғарбий қиялик. Арчазор, ўрта қумоқ, нишаблик 20-22°. | | | | | | | | |
| 0-12 | 7,82 | 0,46 | 0,16 | 2,15 | 1,64 | 0-50 | 274,9 | 20,1 |
| 12-27 | 4,54 | 0,39 | 0,15 | 2,10 | 2,15 | | | |
| 27-43 | 1,88 | 0,17 | 0,15 | 1,80 | 3,82 | | | |
| 43-70 | 0,62 | 0,04 | 0,12 | 1,95 | 6,68 | | | |
| 6-АН. Шимолий қиялик. Ўт-ўсимликлар, бута, дарахтлар, ўрта қумоқ, нишаблик 8-10°. | | | | | | | | |
| 0-7 | 3,52 | 0,33 | 0,16 | 1,95 | 4,10 | 0-50 | 141,3 | 11,8 |
| 7-30 | 2,47 | 0,19 | 0,17 | 1,55 | 5,20 | | | |
| 30-45 | 1,01 | 0,09 | 0,13 | 1,80 | 6,7 | | | |
| 45-70 | 0,86 | 0,08 | 0,11 | 1,55 | 7,0 | | | |
| 8-АН. Қизил Нура. Сувайирғич, ўт-ўсимликлар, ўрта қумоқ, нишаблик 1-2°. | | | | | | | | |
| 0-4 | 3,10 | 0,28 | 0,14 | 1,99 | 6,50 | 0-50 | 100,5 | 8,7 |
| 4-19 | 2,02 | 0,17 | 0,12 | 2,11 | 6,10 | | | |
| 19-43 | 1,03 | 0,09 | 0,11 | 1,86 | 6,50 | | | |
| 43-62 | 0,62 | 0,05 | 0,09 | 1,75 | 7,10 | | | |

Қашқадарё вилояти ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишлари ва биологик ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастурни амалга оширишнинг услубий таъминоти сифатида Қашқадарё вилоятининг биохилма-хиллик ресурсларидан фойдаланиш мониторингининг самарали тизими ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Биологик ресурс (педосфера) компонентларини шаклланишида ва бошқаришда экотизимларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги**» деб номланган 5-бобида педосфера (тупроқ қатлами) хилма-хиллигини шакллантирувчи табиий экологик омиллар таҳлили берилган бўлиб, бунда рельеф – педосфера унумдорлигини белгиловчи тизим сифатида баҳоланган (3-жадвал). Республиканинг турли хил иқлим шароитларида жойлашган Чотқол, Нурота ва Қашқадарё вилоятининг тоғ олди ҳамда чўл ҳудудлари тупроқларида рельеф шароитига боғлиқ ҳолда

4-жадвал

Нурота тоғларининг турли рельеф шароитида ривожланган тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари

| Чуқурлик, см | Гумус, % | Азот, % | Ялли, % | | СО ₂ карбонат, % | Заҳира, т/га | | |
|--|-------------|------------|---------|-------|-----------------------------------|-------------------|-------|------|
| | | | Фосфор | Калий | | Чуқур- лик, см | Гумус | Азот |
| 1-АТ. Сувайирғич, енгил кумоқ, нишаблик 3°. | | | | | | | | |
| 0-3 | 2,75 | 0,229 | 0,131 | | 8,1 | 0-50 | 70,5 | 5,3 |
| 3-15 | 1,16 | 0,087 | 0,111 | | 8,1 | | | |
| 15-37 | 0,98 | 0,071 | 0,091 | | 8,3 | | | |
| 37-50 | 0,51 | 0,039 | 0,082 | | 8,5 | | | |
| 3-АТ. Жанубий ёнбағирнинг қуйи қисми, енгил кумоқ, нишаблик 10°. | | | | | | | | |
| 0-4 | 2,63 | 0,208 | 0,140 | | 7,7 | 0-50 | 96,2 | 6,8 |
| 4-19 | 1,90 | 0,105 | 0,115 | | 7,9 | | | |
| 19-42 | 1,10 | 0,091 | 0,091 | | 8,1 | | | |
| 42-70 | 0,55 | 0,042 | 0,086 | | 8,0 | | | |
| 5-АТ. Шимолий ёнбағирнинг ўрта қисми, ўрта кумоқ. Нишаблик 15°. | | | | | | | | |
| 0-5 | 3,48 | 0,281 | 0,156 | | 4,9 | 0-50 | 113,9 | 9,3 |
| 5-17 | 2,46 | 0,201 | 0,143 | | 5,1 | | | |
| 17-39 | 1,10 | 0,091 | 0,133 | | 5,6 | | | |
| 39-61 | 0,95 | 0,073 | 0,111 | | 6,1 | | | |
| 61-75 | 0,52 | 0,039 | 0,096 | | 7,0 | | | |
| 6-АТ. Шимолий ёнбағирнинг қуйи қисми, оғир кумоқ, нишаблик 5°. | | | | | | | | |
| 0-7 | 4,17 | 0,296 | 0,166 | | 5,50 | 0-50 | 159,4 | 12,6 |
| 7-23 | 2,88 | 0,220 | 0,155 | | 5,50 | | | |
| 23-47 | 1,49 | 0,130 | 0,126 | | 6,9 | | | |
| 47-68 | 0,95 | 0,083 | 0,111 | | 7,1 | | | |
| 68-110 | 0,45 | 0,031 | 0,101 | | 7,5 | | | |
| 8-АТ. Ғарбий ёнбағирнинг ўрта қисми, ўрта кумоқ, нишаблик 13°. | | | | | | | | |
| 0-4 | 2,86 | 0,226 | 0,141 | | 7,8 | 0-50 | 84,7 | 7,0 |
| 4-17 | 1,65 | 0,152 | 0,113 | | 7,8 | | | |
| 17-39 | 0,99 | 0,077 | 0,095 | | 8,2 | | | |
| 39-57 | 0,53 | 0,041 | 0,081 | | 8,5 | | | |

педосфера таркибидаги гумус ва азот миқдорининг ўзгариши, мазкур ўзгаришларга турли хил экологик омиллар (ҳарорат, ёғинлар миқдори,

шамол) ҳамда хўжалик ва ишлаб чиқариш корхоналарининг таъсири кўрсатиб берилган. Жумладан, географик жойланиши ва иқлим кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқланадиган Чотқол ва Нурота тоғларида шаклланган тупроқларнинг таркибидаги гумус миқдори, унинг захираси ва қатламларда тақсимланишини аниқлаш бўйича олинган маълумотлар асосида тоғли ўлкаларда ҳам гумус ҳосил бўлиш қонуниятлари сақланиб қолиши кўрсатиб берилган (4-жадвал).

Нурота худуди Оқтоғ массивида ўт-ўсимликлар (1м^2) ер устида 211 г, ер остида 350 г, жами 461 г ёки 46 т/га қуруқ қолдиқ бўлиб, бу Чотқол худудига нисбатан 2,2 марта камдир. Шу боисдан Нурота тоғларида ҳосил бўлган тупроқларнинг барча типчаларида гумус миқдори, унинг захираси 1,5-2,5 марта кам, гумусли қатлам эканлигини кузатилган.

Умумий азот кўрсаткичи гумусга боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланган бўлиб, маълумотларнинг барчаси, биологик ресурсларнинг компоненти бўлган педосфера кўламида гумус ва умумий азот захирасининг миқдори албатта рельефнинг иштироки билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Олиб борилган қиёсий таҳлиллар асосида Қашқадарё вилоятининг экологик шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, Чотқол ва Нурота тоғ олди тизмаларидаги тупроқнинг унумдорлигини таъминловчи омилларни ўрганиш ва уларнинг вужудга келиш қонуниятларини мазкур вилоят худудларига жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли бўлган суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлиги, унумдорлиги ва потенциал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни 10 та синфга ва 5 та кадастр зона (гурух)ларга ажратилган ҳамда амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган.

Шунингдек, республиканинг турли хил иқлим шароитларида жойлашган Чотқол ва Нурота тоғ ва тоғ олди худудларида педосфера хилма-хиллигининг шаклланишига ўсимликлар қопламанинг таъсири кўрсатиб берилган (5-жадвал).

Ўрганилаётган Чотқол биосфера кўрикхонаси ва Нурота худудининг Оқтоғ худудидидаги тоғ педосферасининг хилма-хиллигини сақлаш бўйича олиб бориладиган тадбирлар бир-биридан сезиларли фарқланиши кўрсатиб берилган.

Биологик ресурсларнинг компоненти бўлган педосферани шакллантириш, сақлаш ва унумдорлигини ошириш бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин:

педосферанинг хилма-хиллигини шаклланишида ва сақлашда экологик омилларнинг барчаси бевосита иштирок этиши кўрсатилган;

рельеф – экологик омил педосфера, унинг скелетлик даражаси, морфологияси, гумусли қатлами қалинлиги, механик ва агрегатли таркиби, эрозияланиш даражасини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

рельеф шароитига, яъни қисм ҳолати ва нишаблиги, намланиш чуқурлигига қараб озиқа элементлари ҳамда лойқаланиш чуқурликлари

ўзгариб туриши аниқланган; иқлим, экологик омиллардан бири - энг фаол табиий педосфера ҳосил қилувчи омил сифатида ҳудуд тупроқлари хилма-хиллигини таъминлашда ва уларни сақлашда бевосита иштирок этиши аниқланган;

ёғин-сочин миқдорининг ёки педосферанинг 0-20 см даги ҳароратининг ўзгариши тоғ педосферасининг шаклланишида етакчи омил эканлиги қайд қилинди;

ўсимликнинг биохилма-хиллиги ўз навбатида рельеф ва иқлим омилларининг бевосита таъсирида ўз фаолиятини давом эттирувчи омил сифатида намоён бўлиши билан бир вақтда тупроқ қатламларида гумус миқдорининг ўзгаришини таъминловчи ва тупроқларни эрозиядан сақловчи табиий восита эканлиги кўрсатиб берилган;

педосфера хилма-хиллигини сақловчи табиий омилларнинг мавжуд бўлганлиги билан бир қаторда уни бузувчи омиллар мавжудлиги аниқланган.

5-жадвал

Чотқол биосфера қўриқхонаси ва Нурота ҳудуди педосферасининг хилма-хиллигини таққослаш

| Чотқол биосфера қўриқхонаси | Нурота қўриқхонаси |
|--|---|
| Чотқол қўриқхонаси ҳудуди давлат томонидан химояланган. | Нурота қўриқхонаси ҳудуди давлат томонидан қўриқланмайди. |
| Қўриқхонада ёғингарчилик миқдори анча кўп бўлади. | Қўриқхонада ёғингарчилик миқдори 2,5-3,0 маротабагача кам бўлади. |
| Қўриқхонада тупроқнинг мусбат ҳарорати анча катта бўлади. | Қўриқхонада тупроқнинг ҳарорати анча паст (20 см чуқурликда тупроқ музлайди). |
| Қўриқхона ҳудудида ўсимликларнинг хилма-хиллиги юқори бўлиши кузатилди. | Қўриқхона ҳудудида ўсимлик турларининг сони анча кам. |
| Қўриқхонада нина баргли, кенг баргли дарахтлар, буталар кўп учрайди ва яхши ривожланган. | Қўриқхонада нина баргли, кенг баргли дарахтлар, буталар кам учрайди ва улар яхши ривожланмаган. |
| Қўриқхона ўт ўсимликлар билан яхши қопланган. | Қўриқхона ўт, ўсимликлар билан яхши қопланмаган. |
| Қўриқхонада сув ва шамол эрозияси асоратлари кам. | Қўриқхонада сув ва шамол эрозияси асоратлари кўзга ташланади. |

Шунга биноан, миқдорий таққослаш йўли билан Чотқол ва Нурота қўриқхонаси флорасининг ўзаро фарқини аниқлашга ҳаракат қилинган ва мазкур қўриқхоналарнинг флорасидаги ўхшаш турлар 381 турни, Бошқизилсой флорасида ўхшаш турлар 340 тани ташкил этиши аниқланган. Мана шу маълумотлар асосида Чотқол қўриқхонасининг флораси, Нурота қўриқхонасининг флорасидан ($K_1=0,24$) га мувофиқ анча узоқ туриши асослаб берилган. Тадқиқот Чотқол флорасининг Бошқизилсой ва Варзоб бўлими флоралар орасида ўхшашлик кўрсаткичи ($K_1=0,24-K_2=0,22$) анча яқин эканлигини кўрсатди. Табиий флора сифатида танланган Варзоб ва Бошқизилсой бўлимлари флоралар ўзаро солиштирилганда, ўхшаш турлар 407 тани ташкил этиши аниқланган бўлсада, Варзоб флорасига нисбатан ўхшашлик кўрсаткичи $K_1=0,22$ дан иборат эканлиги аниқланган. Бунга

Варзоб флорасида тур сонининг кўплиги, турли тоғ тизмаларида жойлашганлиги, эгалланган экспозициялардаги фарқи, тик минтақаларнинг характери, ўсимлик типлари ҳамда майдонининг катталиги жиҳатидан фарқ қилиши сабабчи сифатида фараз қилинган. Солиштирилаётган кўриқхоналар орасидаги фарқ уларнинг майдони ва ўртадаги масофаларнинг ўзгариши ва турли тоғ тизими худудларида жойлашганлиги билан изоҳланган. Кўриқхоналар флораси ўртасида олиб борилган қиёсий солиштириш ишлари натижасида тур сонининг кўплиги бўйича Чотқол кўриқхонасининг Бошқизилсой бўлими (1004 тур) биринчи ўринда туриши аниқланган.

Бундан ташқари солиштирилаётган флораларда турларнинг зичлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган, мисол тариқасида битта тур эгаллаган майдон тадқиқот худудида 30 га, Нурота кўриқхонасида 22 га ҳамда Бошқизилсойда 11 га ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни бошқариш, самарали фойдаланиш ва олий таълим дастурларига интеграциялаштириш**» деб номланган 6-бобида мамлакатимизда биологик (генетик) ресурсларни сақлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан яратилиши лозим бўлган қонунчилик актлари илмий асослаб берилган. Жумладан, Қашқадарё, Тошкент ва Навоий вилоятларидаги экологик ҳолатни баҳолаш натижасида Қашқадарё вилоятида биохилма-хиллик ва генетик ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланишга тўсқинлик қилаётган асосий сабаб ва омиллар аниқланган (6-жадвал).

Вилоятда биохилма-хилликни сақлаш ва БХК тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнининг фақатгина молиявий таъминланганлик даражаси билан боғлиқ бўлмасдан, балким генетик ресурсларни сақлашнинг стратегик муҳимлигини давлат даражасида англаб етиш, амалга оширилаётган тадбирлар учун сиёсий платформани яратиш ва жавобгарлик ва назоратни қонуний мустаҳкамлашга етарлича эътибор берилмаётганлигида эканлиги кўрсатиб берилган. Бунда, агробиохилма-хиллик бўйича стратегия ва миллий дастур ишлаб чиқиш ва шакллантиришда генетик ресурсларни тўплаш, сақлаш ва фойдаланишнинг асосий принциплари кўрсатиб берилган.

